

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

ХУДЖАНОВА ДИЛДОРА ЖУРЪАТ ҚИЗИ

ХII АСРДА МОВАРОУННАҲРДА ЯРАТИЛГАН
АРУЗ ИЛМИГА ОИД МАНБАЛАР
(МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙ ВА АБУ ҲАФС НАСАФИЙ
АСАРЛАРИ АСОСИДА)

10.00.10 – Матншунослик ва адабий манбашунослик

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

УЎК:930.2
КБК:63.2
X-87

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Худжанова Дилдора Журъат қизи

ХII асрда Мовароуннаҳрда яратилган аруз илмига оид манбалар
(Маҳмуд Замахшарий ва Абу Ҳафс Насафий асарлари асосида)..... 3

Худжанова Дилдора Журат кизи

Наука об арузе в рукописных источниках Мавароуннахра XII века
(на основе трудов Махмуда Замахшари и Абу Хафса Насафи) 23

Khudjanova Dildora Jurat qizi

The 12th century sources of ‘arūd science created in Mā warā’ al-nahr
(based on the works of Maḥmūd al-Zamakhsharī and Abū Hafṣ al-Nasafī) 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

ХУДЖАНОВА ДИЛДОРА ЖУРЪАТ ҚИЗИ

ХII АСРДА МОВАРОУННАҲРДА ЯРАТИЛГАН
АРУЗ ИЛМИГА ОИД МАНБАЛАР
(МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙ ВА АБУ ҲАФС НАСАФИЙ
АСАРЛАРИ АСОСИДА)

10.00.10 – Матншунослик ва адабий манбашунослик

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Fil.352 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат шарқшунослик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида (www.tsuos.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Зиявуддинова Мухлиса
филология фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Содиқов Қосимжон Позилович
филология фанлари доктори, профессор

Рустамий Салима Алийбег қизи
филология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc. 03/30.12.2019.Fil/Tag.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг «_____» _____ 2020 йил соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй. Тел: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2020 йил «_____» _____ куни тарқатилди.

(2020 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.М. Маннонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Р.А. Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол.ф.д.

Қ.Ш. Омонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон илм-фани тараққиётига ўзларининг беқиёс ҳиссасини қўшган Шарқ алломалари, хусусан, Мовароуннаҳр заминидан етишиб чиққан олимларнинг бебаҳо меросини ўрганишга бўлган эътибор янада ортиб бормоқда. Шу маънода, жаҳон шарқшунослигида дунёнинг турли қўлёзма хазиналарида сақланаётган, аждодларимиз томонидан турли соҳалар бўйича ёзиб қолдирилган асарларни ҳар жиҳатдан кенг қўламда тадқиқ этиш, нашрга тайёрлаш ва илмий муомалага киритиш каби масалалар бениҳоя долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунё миқёсида Шарқ шеърятини вазни бўлмиш аруз илмига оид қўлёзма манбаларни матншунослик ва адабий манбашунослик нуқтаи назаридан ўрганиш соҳанинг устувор вазифаларидан ҳисобланади. Арузшунослик илмининг шаклланишида хизматлари беқиёс бўлган мовароуннаҳрлик олимларнинг мўътабар асарларига бағишланган қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Бироқ ҳали илмий муомалага киритилмаган, ўрта асрларда ёзилган аруз илмига оид қўлёзма асарлар мавжуд бўлиб, уларни ҳар томонлама ўрганиш, таҳлил ва тадқиқ этиш давр талабидир.

Давлатимиз томонидан «Бой тарихий, илмий, маънавий-интеллектуал меросимизни сақлаш, илмий таҳлил қилиш..., ўрта асрларда ҳозирги Марказий Осиё худудида яшаб ижод қилган аллома ва мутафаккирларнинг тарих, адабиёт, фалсафа ва бошқа ижтимоий фанлар, ислом дини ва илоҳиётига оид меросини тадқиқ қилишни кенгайтириш ва чуқурлаштириш; матншунослик, адабий манбашунослик, тилшунослик, фалсафа, маданият тарихи соҳаларида миллий маданий меросимизнинг ҳали ўрганилмаган кўпгина қатламларини очиқ беришга йўналтирилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратиш»¹ каби вазифаларни бажариш ўзбек шарқшунослигининг долзарб муаммолари ва масъулиятли масалалари доирасига киради. Шарқ мумтоз шеърятини асосий вазни саналган аруз ўз даврида Испаниядан Хитойгача, Ҳиндистондан Волга бўйигача бўлган ҳудуд шоирлари ижодини забт этган ҳамда XX аср бошларигача барча мусулмон ўлкаларнинг мадрасаларида диний ва адабий илмлар билан бир қаторда ўқитилган. Бироқ, ҳозирги кунга келиб, аруз илмини билиш даражаси бироз сусайди. Шу нуқтаи назардан Маҳмуд Замахшарий ва Абу Ҳафс Насафийларнинг аруз илмига бағишланган рисоаларини матншунослик ва адабий манбашунослик нуқтаи назаридан тадқиқ ва таҳлил этиш, илмий истифодага олиб кириш, арузшунослик илми ривожига қўшган ҳиссаларини аниқлаш ҳамда ўзбек арузшунослиги тарихини ўрганишдаги ўрни ва аҳамиятини белгилаш сингари масалаларни ҳал этиш ушбу тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва заруратини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 24 майдаги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон Қарори // Халқ сўзи, – 2017. – 25 май.

ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3074-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш тўғрисида»ги, шунингдек, 2020 йил 16 апрелдаги ПҚ-4680-сон «Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий инвентарларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Аруз тизими VIII асрда Халил ибн Аҳмад томонидан кашф қилингандан сўнг арузшунослик илмий мактаблари шаклланди. Ўрта асрларда илмий фаолиятлари билан жаҳон илм-фани ривожига улкан улуш қўшган мовароуннаҳрлик олимлар аруз асосларига бағишлаб рисоалар битишди, арабий арузнинг ёзма матнини яратишда фаол иштирок этишди. Улар яратган манбалар қадимдан ҳозирги кунга қадар арузшуносларнинг диққат марказида бўлиб келмоқда². Бу манбалар ичида Маҳмуд Замахшарийнинг «Al-Qisṭās al-mustaqīm fī ‘ilm al-‘arūd» («Аруз илмида энг тўғри мезон») асарида аруз қоидалари батафсил баён этилиши рисоланинг оммалашуви кўпгина олимларнинг ўтган асргача ундан амалий қўлланма тарзида фойдаланишлари учун замин яратди. «Al-qisṭās»нинг илмий-танқидий матни 1969 йили ироқлик олима Баҳийжа Боқир ал-Ҳасаний томонидан эълон қилилган³. 1989 йилда ливанлик олим Фахриддин Қибова томонидан «Al-qisṭās»нинг Ҳалаб ва Истанбул нусхалари асосида яна бир илмий-танқидий матни нашр этилган⁴. Ғарб олими Леопольд Эйзенлор асарни адабиётшунослик нуқтаи назардан ўрганиб, унинг инглиз тилидаги таржимасини ҳам тақдим

² Van Vloten. Liber mafatih al-olum. Abu Abdullah Mohammed ibn Yosef al-katib al-Khowarezmi, Lugduni-Bataavorum. 1895; Зиявиддинова М. Поэтика в «Мафатих ул улум» Абу Абдаллаха ал-Хорезми». Автореф.дисс.канд.филол.наук. – Ташкент, 1990; Nihad M. Çetin. «Aruz», Türkiye Diyanet Vakfı İslam Ansiklopedisi, III, İstanbul,1991; Калиева Ш.С. Творчество Исмаила ал-Джаухари и его место в арабской филологии. Автореф.дисс.канд.филол.наук. –Ташкент, 2002; Фролов Д.В.Классический арабский стих. История и теория аруда. –М.: Наука; Joan Mathilde Maling. The theory of classic arabic metrics. Submitted inn partial fulfillment of the requirements for the degree of doctor of philosophy at the Massachusetts institute of technology. – USA, 1973. – P.152; Ernest N. McCausus. The identifying of meters of Arabic poetry // Al-Arabiya. Vol. 16, Number 1-2 (Spring&Autmn//, 1983. – P.57-85; Zaki N. Abdul Malik. (PhD). Towards a new theory of Arabic prosody. Fourth edition. – USA, 2018. – P.478;

مفتاح العلوم لابي يعقوب يوسف السكاكي. نشره أكرم عثمان يوسف. جامعة بغداد 1981م. ص8، عروض الورقة لأبي نصر إسماعيل بن حماد الجوهري ، تحقيق : محمد السعدي جوكنلي. أضروم.1994 ، عروض الورقة لأبي نصر إسماعيل بن حماد الجوهري ت 393 هـ ، تحقيق : محمد الطمي ط1 ، دار الثقافة _ الدار البيضاء ، 1404 هـ / 1984 ، الدكتور عبد العزيز عتيق. علم العروض و القافية. دار النهضة العربية.بيروت. 1987. ص.211.

³ بهجة باقر الحسنی. القسطاس في علم العروض.طبع في النجف 1980.

⁴ فخير الدين قباوة. القسطاس في علم العروض. مكتبة المعارف.بيروت.1989

қилгди⁵. Рус олимларидан Д.В.Фролов «Al-qisṭās»га оид умумий маълумотларни берган ва Хатиб Табризийнинг «Al-Kāfi fi al-‘arūḍ wa al-qawāfi» асарига бағишланган таржима ва шарҳида «Al-qisṭās»ни ва арузга доир қатор асарлар билан қиёсий ўрганган⁶. Ўзбек олимлари томонидан А.Рустамов, У.Уватов, Э.Талабов, Г.Тўйчиевалар мазкур асарга оид маълумотларни умумий тарзда қайд қилиб ўтганлар⁷. Д.Юсупова «Al-qisṭās» асарини туркий тилдаги арузга доир рисолаларга асос бўлган манба сифатида таҳлил қилган⁸.

Мазкур диссертациянинг яна бир асосий манбаи бўлган насафлик аллома Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Насафий (1068 – 1142)нинг «Maṭla‘ al-nujūm va majma‘ al-‘ulūm» («Юлдузларнинг чиқиши ва илмларнинг жам бўлиши») номли қомусий мажмуаси таркибида жойлашган «Muxtaṣar al-‘arūḍ ‘alā al-uṣūl al-ma‘rūf» («Арузга оид мухтасар асар») рисоласида арузнинг назарий асослари чуқур ва батафсил баён қилинганлиги билан аҳамиятга молик.

Ушбу мажмуа ҳақидаги дастлабки маълумот 1976 йилда «Общественные науки в Узбекистане» («Ўзбекистонда ижтимоий фанлар») журналида академик П. Булгаков томонидан ёзилган мақолада эълон қилинди⁹.

Афсуски, ушбу асар узоқ муддатгача тадқиқотчилар томонидан комплекс тарзда тадқиқ этилмади. Лекин «Maṭla‘ al-nujūm» энциклопедик мажмуа бўлганлиги, айниқса, исломшуносликка оид мавзулар кўплиги, Абу Ҳафс Насафийнинг ҳаёт йўли, илмий меросига доир маълумотлар берилганлиги туфайли бир қанча тадқиқотчилар ишларида ундан фойдаланганлар¹⁰. Ниҳоят 2012 йилда С.Муҳаммадаминов томонидан «Абу Ҳафс Насафийнинг «Матла‘ ан-нужум ва мажма‘ ал-у‘лум» асари ва унинг Марказий Осиё ислом илмлари ривожига тутган ўрни (XI аср охири - XII аср ўрталари)» номли тадқиқот амалга оширилди¹¹. 2015 йилда «Maṭla‘ al-nujūm va majma‘ al-‘ulūm» қўлёзмасининг факсимиле нашри тайёрланди¹².

Хорижлик олимлардан эронлик тадқиқотчи Имтиёз Али Арши мажмуанинг бадиият илми ва форс-тожик шеърятига бағишланган

⁵ Leopold, L. E. *Arabic Quantitative Metrics in al-Zamakhshari's al-Qisṭās al-Mustaqim*. The Ohio State University: 2011.

⁶ Фролов Д.В. Классический арабский стих. История и теория аруда. – М.: Наука. – 1991. – 359с.

⁷ Рустамов А. Махмуд Замахшарий. – Т.: Фан, 1971. – Б. 10; Абу-л-Қосим Махмуд ибн Умар ибн Аҳмад аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шарҳлар муаллифи ва таржимон У.Уватов. – Тошкент, 1992. – Б.26; Талабов Э. Араб шеърятига аруз тизими. Филол. фан. докт. дисс. – Тошкент, 2003. – Б.11; Тўйчиева Г.У. Ислом даври шеърятига аруз тизими ва унинг эволюцион тараққиёти. Филол. фан. докт. (DSc) дисс. – Тошкент, 2019. – Б.178.

⁸ Юсупова Д. Темурийлар давридаги арузга доир рисолаларнинг қиёсий таҳлили. Монография. – Тошкент: «ТА’ЛИМ-MEDIA», 2019. – Б.47.

⁹ Булгаков П.Г. Неизвестный энциклопедический труд XII века // *Общественные науки в Узбекистане*. – Ташкент, 1976. г № 11. – С.57-61.

¹⁰ Мўминов А.К. Роль и место ханафитских ‘улама‘ в жизни городов Центрального Мавараннахра (II-VII/VIII-XIII в.); Дис. ...докт.ист.наук. – Ташкент: ТИУ, 2003. – С.105, Зиёдов Ш.Ю. Абу Мансур ал-Мотурудий ва унинг «Китоб ат-таъвилот» асари. – Тошкент: Фан, 2009. – Б.109. Абу Ҳафс ан-Насафийнинг «Китоб ал-Қанд фи ма‘рифат ‘уламо‘ Самарқанд» асари – Самарқандда ҳадис илми тарихи бўйича муҳим манба. Тарих фан. номз. дисс. – Тошкент, 2003. – Б. 23.

¹¹ Муҳаммаджанов С.А. Абу Ҳафс ан-Насафийнинг «Матла‘ ан-нужум ва мажма‘ ал-у‘лум» асари ва унинг Марказий Осиё ислом илмлари ривожига тутган ўрни (XI аср охири - XII аср ўрталари). Тарих фан. номз. дисс. – Тошкент, 2012. – 162 б.

¹² Нажм ад- дин Абу Ҳафс У‘мар б. Муҳаммад б. Аҳмад ан-Насафий. Матла‘ ан-нужум ва мажма‘ ал-у‘лум. Нашрга тайёрлаш, кириш ва кўрсаткичлар С.Муҳаммадаминовники. Таҳрир хайъати: А.М.Маннонов, Б.А.Абдухалимов, Н.А.Муҳамедов, С.У.Каримова. – «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2015. – 896 б.

қисмларини тадқиқ қилган¹³. Ушбу ҳаракатни унинг шогирди Ориф Навшаҳий давом эттирмоқда¹⁴.

«Maṭla' al-nujūm va majma' al-'ulūm» мажмуаси таркибидаги «Muxtaṣar al-'arūd 'alā al-uṣūl al-ma'rūd» рисоласи ҳақида фақат М.Зиёвуддинова томонидан мақола чоп этилган¹⁵.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат шарқшунослик университетининг «Адабий манбашунослик, матншунослик, шарқ қўлёзмаларини ўрганиш масалалари»; «Шарқ халқлари адабиётларининг қадимий ёзма манбалари, уларда акс этган қадимий шарқ тафаккури ва маънавий мероси масалалари» мавзусидаги илмий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Маҳмуд Замахшарийнинг «Al-qisṭās» ва Абу Ҳафс Насафийнинг «Muxtaṣar al-'arūd» рисолаларининг аруз илмига оид асарлар орасидаги ўрнини белгилаш, уларни адабий манбашунослик ва матншунослик нуқтаи назаридан ўрганиш ҳамда илмий муомалага киритишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Мовароуннаҳр арузшунослигига асос бўлган манбаларнинг тадрижий таҳлилини амалга ошириш;

Маҳмуд Замахшарий асарининг аруз илми назарий ҳамда амалий ривожидagi ўрни ва аҳамиятини ёритиш;

«Al-qisṭās» қўлёзма нусхаларини аниқлаш ва уларнинг монографик тавсифини амалга ошириш;

Абу Ҳафс Насафийнинг «Muxtaṣar al-'arūd» рисоласини адабий манба сифатида илмий муомалага олиб кириш;

«Muxtaṣar al-'arūd» қўлёмасини матншунослик нуқтаи назаридан таснифлаш ва илмий тавсифини амалга ошириш;

Замахшарий ва Насафийнинг аруз назарияси асосларига доир назарий қарашлари ва ёндашувларининг ўзига хослигини белгилашдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти этиб, Маҳмуд Замахшарийнинг «Al-Qisṭās fī 'ilm al-'arūd» асарининг дунё фондларида сақланаётган қўлёзма нусхалари ҳамда Абу Ҳафс Насафийнинг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган «Maṭla' al-nujūm va majma' al-'ulūm» мажмуаси таркибига кирувчи «Muxtaṣar al-'arūd 'alā al-uṣūl al-ma'rūd» асари танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида Маҳмуд Замахшарий ва Абу Ҳафс Насафийнинг аруз назариясига оид рисолалари ҳамда уларда илгари сурилган илмий-назарий қарашлар белгиланди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда илмий тавсифлаш, таснифлаш, комплекс таҳлил, қиёсий-тарихий ва статистик методлар қўлланилди. Ишда

¹³ نجم النسفی. امتیاز علی خان صاحب عرشى. معارف ج. 5، باكستان 1940. ص. 176-165.

¹⁴ مطلع النجوم و مجمع العلوم (نجم النسفی). عارف نوشاهی. معارف، دار المصنفین شبلي اکیدمی اعظم. 2020.

¹⁵ Зиёвуддинова М. О рукописи сочинения Абу Хафса ан-Насафи по теории аруда. Модернизация и традиции. XXVI международная конференция. Источниковедение и историография стран Азии и Африки. Санкт – Петербург. 2011.

ўзбек тилига ўзлашган арабча истилоҳлар, шахс номларини ёзишда уларнинг ўзлашган шакли асос бўлди. Асар номлари, араб арузига хос терминлар Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (International standart organization) белгилаган транслитерацияда¹⁶ берилди¹⁷.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

Абу Ҳафс Насафийнинг «Muxtaṣar al-‘arūd» рисоласи илк бор таҳлил ва тадқиқ этилиб, илмий истифодага олиб киритилган;

Замахшарий ва Насафий аруз илмини баён этишда Халил ибн Аҳмад назариясига таянганлиги ва шу билан бирга, аруз назариясини ўз ёндашувлари ва қарашлари билан муайян тарзда бойитганлиги илмий далилланган;

Шарқ ва ғарб тадқиқотчилари эътиборидан четда қолган Садрушшариа Бухорийнинг «*Ḥamsa abyāt bi ‘adadi davāir al-‘arūd*» («*Аруз доиралари сонига кўра беш байт*») асари ҳақида илк бор маълумот берилган ва ундаги аруз доиралари мавзуси оригинал тарзда келтирилганлиги ва шеърӣ мисоллар муаллиф қаламига мансуб эканлиги исботланган;

«Al-qistās» қўлёзмаларини қиёсий текстологик ўрганиш жараёнида асарнинг энг ноёб, қадимий ва тўлиқ нусхаси Туркиядаги Кўня минтақаси қўлёзмалар кутубхонасининг «Бурдур» фондидаги (№125) қўлёзма эканлиги аниқланган;

Асарнинг Берлиндаги Тубинген давлат кутубхонаси фондида сақланаётган нусха бошқа қўлёзмалардан тубдан фарқ қилиши аниқланиб, қўлёзма таркибининг иккинчи қисми мовароуннаҳрлик олим Садрушшариа Бухорийнинг «*Ḥamsa abyāt bi ‘adadi davāir al-‘arūd*» асаридан кўчирилганлиги ҳамда қўлёзманинг учинчи қисми матни араб олими Абу Жайш Андалусийнинг «Al-Risāla-Andalusīya» («Андалусий рисоласи») асарига тегишли экани исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

аруз илмини тараққий этишида Маҳмуд Замахшарий ва Абу Ҳафс Насафийнинг ўрни, уларнинг аруз тизимини назарий жиҳатдан мукаммаллаштиришга қўшган ҳиссалари далилланган;

«Al-qistās» рисоласининг кейинги даврларда ёзилган аруз илмига оид арабий, форсий, туркий тиллардаги асарларга назарий асос вазифасини ўтаганлиги илмий аосланган;

«Al-qistās»нинг Анқара миллий кутубхонаси «Бурдур» фондидаги нусхаси илк бор илмий тавсиф қилинган ва мазкур тадқиқот учун таянч манба сифатида жалб этилган;

Абу Ҳафс Насафий аруз рисоласини ёзишда Соҳиб ибн ‘Аббоднинг «*ʿIqna’ fī al-‘arūd va al-qavāfī*» («Аруз ва қофияга оид тавсия») асарига таянган ҳолда, арузнинг энг муҳим жиҳатларини ўз мулоҳаза ва қарашлари билан мухтасар усулда баён этганлиги асосланган.

¹⁶ ALA-LC Arabic Romanization.Romanization System from Arabic letters to Latinized letters 2007, New York, 8-17 August 2017 Item 14 a) of the provisional agenda. Writing systems and pronunciation: Romanization. https://unstats.un.org/unsd/geoinfo/UNGEGN/docs/11th-uncsgn docs/E_Conf.105_137_CRP.137_14_Romanization%20System%20from%20Arabic%20%20letters%20to%20Latinized%20%20%20letters%202007%20-%20ENGLISH.pdf

¹⁷ Истисно: ж учун j, ё учун g, ҳ учун х ҳарфлари танланди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги аруз илмига оид юртимиз, хорижий мамлакатлар олимларининг фундаментал илмий-назарий қарашлари ўрганилганлиги, тадқиқот доирасига бирламчи адабий ёзма ёдгорликлар, хусусан, «Al-qistās» асарининг Берлиндаги Тубинген давлат кутубхонаси фонди, Лейден кутубхонаси қўлёзмалар фонди, Ҳалаб миллий кутубхонаси фонди, Ар-Риёд университети кутубхонаси фонди, Қоҳира миллий кутубхонаси, Сулаймония кутубхонаси фонди, Анқара Миллий кутубхонаси фондида сақланаётган қўлёзмаларининг фотонусхалари ҳамда «Muxtaṣar al-‘aḡūḍ»нинг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган қўлёзмаси жалб этилгани ва улардан фойдаланилгани, тадқиқот хулосалари ва тавсиялари амалиётга татбиқ этилгани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти араб ва ўзбек мумтоз адабиёти, адаб илми таркиби, Шарқ мумтоз поэтикаси, хусусан, аруз назариясига оид қарашлар, арузшунослик йўналишини янада жадаллаштириш бўйича амалга ошириладиган тадқиқотларда илмий-назарий манба сифатида хизмат қилиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ундан олий ўқув юр்தларининг филология факультетларида адабиётшуносликка кириш, адабиёт назарияси, араб мумтоз адабиёти, аруз илми, шеърӣ тизимлар, поэтика, ўзбек мумтоз адабиёти, матншунослик ва адабий манбашунослик каби фанлар мазмунини янги назарий ишланмалар билан бойитиш, замонавий дарслик ва ўқув қўлланмалар мазмунини янгича ёндашувлар билан такомиллаштириш, соҳага оид факультатив дарслар, семинар машғулотлари ва махсус курсларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диссертацияда ишлаб чиқилган назарий ва амалий хулоса, тавсия ва ишланмалар асосида:

Мовароуннаҳрда яратилган аруз илмига оид манбаларда қадимги давр араб шоирларининг аруз вазнидаги қасидалари бўйича тадқиқотларининг илмий натижаларидан ОТ-Ф1-67 «Буюк ипак йўли минтақаси халқлари фольклорининг типологияси, миллий ўзига хослиги ва ёзма адабиёт ривожидан тутган ўрни (Узоқ Яқин Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатлари)» лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 июлдаги 89-03-2148-сон маълумотномаси). Натижада, араб фольклорига оид монография аруз вазни тарихи ва ривожланиш аънаналарига оид маълумотлар билан бойитилган ва мазмуни такомиллаштирилган;

мовароуннаҳрлик олимларнинг аруз илмига доир рисоалари, уларнинг аруз илми ривожиданги ўрни, ўзбек замани уламолари томонидан араб ва ўзбек арузининг ривожлантирилиши ҳақидаги маълумотлардан ЎЗР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 20 июлдаги №654-сонли буйруғига асосан нашр қилинган «Аруз илми» дарслигини тайёрлашда фойдаланилган. Натижада мазкур дарсликда аруз назарияси асосларини ёритишда диссертациянинг асосий манбалари бўлган асарлардан фойдаланилган ҳамда

ушбу дарслик мумтоз филология талабаларига ўқитиладиган «Аруз илми» фани учун асосий адабиётлардан бири сифатида амалиётга жорий қилинган;

арузшуносликнинг тараққий этишида мовороуннаҳрлик олимларимизнинг салмоқди улуши, улар қолдирган ёзма ёдгорликларнинг аҳамияти билан боғлиқ материаллардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston tarixi» телеканалида эфирга узатилган «Мавзу» кўрсатувининг сценарийларини тайёрлашда кенг фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2020 йил 26 июндаги 02-40-693-сон маълумотномаси). Келтирилган маълумотлар Ўзбекистон тарихини ёритиш, Ўзбекистон ҳудудидан етишиб чиққан алломалар илмий меросини ўрганиш, уларни илмий истифодага олиб кириш, ҳамда уларнинг арузшунослик такомилда тутган ўринларини баҳолаш ва ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик, миллатпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим ўрин эгаллайди, деб ҳисобланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 23 та илмий иш чоп этилган. Шулардан 1 та дарслик, 22 та илмий мақола, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, улардан 1 таси хорижий журналларда, шунингдек, 15 та мақола ва тезислар республика ва халқаро анжуманлар материаллари тўпламларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ҳажми 164 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончилиги асосланиб, амалиётга жорий қилиниши, апробацияси кўрсатиб берилган.

Диссертациянинг «**Аруз илми ривожда Маҳмуд Замахшарий ва Абу Ҳафс Насафийнинг тутган ўрни**» деб номланган биринчи боби уч фаслдан иборат. Бобнинг «Араб арузшунослигининг шаклланиши ва ривожидан» деб аталган дастлабки фаслида VIII асрдан то XIII аср оралиғида соф араб арузига бағишланган араб ва арабийнавис олимлар тадқиқотларининг тадрижий таҳлили ва тавсифи келтирилади. VIII асрда адаб илмлари қаторига янги кириб келган, Халил ибн Аҳмад Фарахидий (719-795) томонидан ихтиро қилинган аруз илми шу даврнинг ўзида барча олимларнинг катта қизиқишини уйғотди. Олимларнинг қайд этишича, VIII-IX асрларда арузга оид 20 га яқин асарлар ёзилган. Халил ибн Аҳмад асаридан сўнг яратилган манбалар Абул Ҳасан

Ахфаш (830 в.)¹⁸ ва Абу Исҳоқ Зажаж (890 в.)¹⁹ларнинг аруз илмига оид рисолалари дидир. Абул Ҳасан Ахфаш «Kitāb al-‘Arūd» номли тадқиқотида Халил ибн Аҳмад назариясига таянади, фақат баҳрлар сонини биттага оширади. Абу Наср ибн Ҳаммод Жавҳарий (940-1007)²⁰ эса арузшунослик тарихида алоҳида ном қолдирган олимлардан ҳисобланиб, аруз илмини биринчи ислоҳ қилган олим сифатида эътироф этилади.

Х асрдан бошлаб эса арузшунослик ёзма шаклда тараккий этди²¹, арузнинг назарий асослари маълум антологияларда, энциклопедик асарларнинг шеър илмига оид бўлимларида воқеланди. Бундай мажмуъалар қаторига «Al-‘Iqd al-farīd» («Ноёб маржон») ²², «Iqna’ fī al-‘arūd va al-qavāfi» («Аруз ва қофияга оид таянч асар») ²³, «Mafātih al-‘ulūm» ²⁴ («Илмлар калитлари») ҳамда «Miftāh al-‘ulūm» («Илмлар калити») ²⁵ каби асарларни киритиш мумкин. Ибн Саррож (928 в.)²⁶, Соҳиб ибн ‘Аббод (936-995)²⁷, Ибн Жинний (1002 в.)²⁸ ва Маҳмуд Замахшарийлар аруз назариясини янада такомиллаштирган, ўз ёндашув ва мустақил қарашлари билан майдонга чиққан олимлар ҳисобланади.

XIII асрга келиб, арузни назмда баён этиш урфи бошланганлиги кузатилади. Шу жумладан, мумтоз даврнинг энг машҳур қасидаларидан «Al-Risāla al-Andalusīya» («Андалусий рисоласи») ²⁹, «Qasīda al-Ḥazrajīa» («Ҳазражий қасидаси»), «Qasīda al-Husna» («Ўзгал қасида») ³⁰ кабиларда аруз илмининг назарий асослари моҳияти қисқа ва қулай усулда ёритилган бўлиб, улар ушбу илми яхши ўзлаштириш ва ёд олиш учун мўлжалланган эди.

Мовароуннаҳрда яратилган аруз илмига оид манбаларни тадқиқ этиш жараёнида, арузшунослар эътибордан четда қолган, илмий муомалага киритилмаган икки асар мавжудлиги аниқланди. Бу асарларнинг бири энциклопедист олим Абу Ҳафс Насафий (1068 – 1142)нинг «مختصر العروض على» («Арузга оид мухтасар асар») рисоласи ³¹, иккинчиси эса Садрушшариа Бухорий (1346 в.)³²нинг «خمسة أبيات بعدد دوائر العروض» («Аруз доиралари сонига кўра беш байт») асаридир ³³.

Умуман, юқорида санаб ўтилган араб арузига бағишланган манбаларнинг барчаси Халил ибн Аҳмад назариясига таянилган. Уларнинг аксариятида аруз баҳрларига Халил ибн Аҳмад келтирган қадимги араб шоирларининг байтлари

¹⁸ كتاب العروض لأبي الحسن سعيد بن مسعدة الأخفش ، تحقيق ودراسة : سيد البحر اوي ، ط 1 ، دار شقيقات للنشر والتوزيع ، القاهرة ، 1998 م

¹⁹ سليمان أبو ستة. كتاب العروض للزجاج. مجلة الدراسات اللغوية، الرياض، مملكة العربية السعودية. 2004

²⁰ عروض الورقة لأبي نصر إسماعيل بن حماد الجوهري ت 393 هـ ، تحقيق : محمد العلمي ط 1 ، دار الثقافة _ دار البيضاء ، 1404 هـ / 1984

²¹ Фролов Д.В.Классический арабский стих. История и теория аруда. –М.: Наука. – 1991. С. –7.

²² العقد الفريد لمحمد بن عبد ربه الأندلسي. تحقيق الدكتور محمد سعيد العريان. دار الكتب العلمية. بيروت، 1983

²³ الاقناع في العروض للصاحب ابن عباد. تحقيق الشيخ محمد حسن آل ياسين. الكاظمية.

²⁴ Van Vloten. Mafatih al-ulum. Abu Abdullah Mohammed ibn Ahmed ibn Yousof al-Katib al – Khowarezmi. Luqduuni – Batavorum, 1985.

²⁵ مفتاح العلوم لابي يعقوب يوسف السكاكي. نشره أكرم عثمان يوسف. جامعة بغداد 1981م.ص155

²⁶ كتاب العروض لأبي بكر بن السراج. تحقيق الدكتور عبد الحسين الفتلي. مجلة كلية الأدب، ع.15، بغداد، 1972

²⁷ الاقناع في العروض للصاحب ابن عباد. تحقيق الشيخ محمد حسن آل ياسين. الكاظمية.

²⁸ العروض. لابن جني. تحقيق الدكتور حسن شاذلي فرهود. بيروت، 1972

²⁹ الرسالة الاندلسية. أبو الجيش الانصاري الاندلسي. جامعة الملك سعود. 1957.

³⁰ الفصيحة الحسنة لصدر الدين عثمان السائوي. اعتنى بها مسطفي محمد. 2016

³¹ Абу Ҳафс Насафий. Maṭla‘ al-nujūm va majma‘ al-‘ulūm. Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти №1462 инвентарь рақамли кўлёмаси.

³² الزركلي. الاعلام. http://shamela.ws/browse.php/book-12286/page-355

³³ https://www.islamic-manuscripts.net/receive/IslamHSBook

мисол қилиб берилган. Шу билан бирга, ҳар бир асар муаллифи арузшунослик ривожига, аруз илмини назарий жиҳатдан мукаммаллашишига маълум даражада ўз ҳиссаларини қўшдилар. Ушбу манбалар аруз илмига доир арабий, форсий, туркий тилларда кейинги даврларда ёзилган асарларга назарий асос вазифасини ўтаганлиги кузатилади³⁴.

I бобнинг иккинчи фасли «Маҳмуд Замахшарий «Al-qistās» асарининг арузшунослик тарихидаги ўрни» деб номланади. Унда «Al-qistās» рисоласининг аҳамияти, унга ёзилган шарҳ ҳамда асарнинг ўрганилиш тарихи ҳақида сўз боради.

Маҳмуд Замахшарий Халил ибн Аҳмад мактаби анъанасининг давомчиси сифатида Мовароуннаҳр диёрида аруз илми назариясининг шаклланишига катта ҳисса қўшган олимдир. Замахшарий арузшуносликка оид фаолиятида салафларининг анъаналарини давом эттирибгина қолмай, балки аруз вазни қонун-қоидаларини янада осон ва мукаммал эгаллаш учун янги услубий ўзгартиришлар киритди. Шу сабабдан бўлса керак, ўрта асарлардан бошлаб, то ҳозирги кунга қадар унинг «Al-qistās al-mustaqīm fī ‘ilm al-‘arūd» асарига кўплаб мурожаатлар қилинган, унинг устида тадқиқотлар олиб борилган, аруз вазнини ўрганишда асосий манбалардан бири сифатида илмий истифодага киритилган.

XIII асрда «Al-Qistās» асари учун ‘АбдулВаҳҳоб ибн Иброҳим Занжаний (1262 в.) томонидан шарҳ ёзилган бўлиб, у «القسطاس تصحيح المقياس في تفسير» («Al-qistās»нинг шарҳида ўлчовни ростлаш») деб номланади. Айрим олимлар Занжанийнинг шеър илмига оид «M‘iyār al-nazzār» асари билан «Al-qistās»га бағишланган «Tashīh al-miqyās» номли шарҳини битта асар бўлиши мумкин деб гумон қилишган. Бироқ биз Занжанийнинг «M‘iyār al-nazzār» асарини тўлиқ ўрганиб, «Tashīh al-miqyās» шарҳининг асл матнига эга бўлмасак-да, бир қанча манбаларда келтирилган маълумотлар асосида ҳамда Ҳалаб нусхасидаги таълиқотларни қиёслаб ўрганиш асносида, бу икки манба муаллифнинг арузга оид алоҳида асарлари эканлиги маълум бўлди.

«Al-qistās»га бағишланган илк тадқиқот 1969 йили ироқлик олима Баҳийжа Боқир томонидан амалга оширилган бўлиб, унда олима асарнинг илмий танқидий матнини тақдим қилган³⁵. Илмий танқидий матн тузиш учун таянч нусха сифатида «Al-qistās»нинг Лейден нусхаси, ёрдамчи нусхалар этиб Берлин ва Қоҳира нусхалари танланган. Замахшарий асари матни бошланишидан аввал, олима ҳар бир баҳр ҳақида арузга доир «Al-‘Iqd al-farīd», «Al-‘Umda fī mahāsin al-shi‘r», «Iqna’ fī al-‘arūd va al-qavāfi», «Miftāh al-‘ulūm» каби асарлардан шу баҳрга тегишли таърифларни келтиради. Сўнг «Al-qistās» матнини бериб, ҳошияда эса яна юқоридаги манбаларга мурожаат қилиб, ўз мулоҳазаларини тақдим этади.

Ливанлик Фахириддин Қибова 1989 йили «Al-qistās»нинг Ҳалаб ва Истанбул кўлёзма нусхаларини истифода этиб, асарнинг иккинчи илмий-танқидий матнини яратди. Баҳийжа Боқирнинг тадқиқотидан фарқли ўларок, Фахириддин Қибова тадқиқоти кичикроқ ҳажмда бўлиб, унда икки нусхадан

³⁴ Бу ҳақда қаранг: Юсупова Д. Темурийлар давридаги арузга доир рисоаларнинг қиёсий таҳлили. Монография. – Тошкент: «ТА’LIM-MEDIA», 2019. – Б. 46.

³⁵ بهيجة باقر الحسنی. القسطاس في علم العروض. طبع في النجف 1980.

фойдаланилган. Илмий-танкидий матн учун қисқа муқаддима берилган бўлиб, «Al-qisṭās» асарининг дунё кўлэзма фондларида сақланаётган 7 та нусхалари бирма-бир санаб ўтилади ва таянч нусха сифатида танлаб олган икки кўлэзма нусханинг қисқа тавсифи келтирилади.

«Al-qisṭās» нафақат шарқ балки ғарб олимларида ҳам катта қизиқиш уйғотган бўлиб, бунга америкалик олим Леопольд Эйзенлорнинг инглиз тилидаги «Arabic Quantitative Metrics in al-Zamakhshari's al-Qisṭās al-Mustaqīm» («Замакхариининг «Al-qisṭās» асарида араб квантитатив вазнлари») тадқиқоти мисол бўла олади³⁶. Леопольд Эйзенлор ўз тадқиқотида Баҳийжа Боқир ва Фахириддин Қибоваларнинг *Qisṭās al-mustaqīm fi ilm al-ʿarūḍ* нашрларига таянган бўлиб, асарни қиёсий ўрганишда ўрта аср олимларидан Ахфашнинг «*Kitāb al-ʿarūḍ*», Ибн Жиннийнинг «*Muxtasar fi ilm al-ʿarūḍ*», Жавҳарийнинг «*Arūḍ al-waraqah*» ва Хатиб Табризийнинг «*Kitāb al-kāfi fi al-ʿarūḍ wa al-qawāfi*» асарларидан фойдаланган. Тадқиқотда араб шеърий тизими «Al-qisṭās» асари тимсолида таҳлил қилинади ҳамда «Al-qisṭās» матнининг тўлиқ инглиз тилидаги таржимаси берилади. Лекин таржима асл нусхалардан эмас, балки нашрлардан қилингани учун айрим камчиликлар учрайди. Леопольд Эйзенлор таржимасида Баҳийжа Боқир тайёрлаган «Al-qisṭās»нинг илмий-танкидий матни хошиясида бошқа асарлардан келтирилган айрим бегона матнлар билан қоришиб кетган. Масалан, Баҳийжа Боқир «Байтлар тақтиъи» фаслида изоҳ сифатида «Намл» сураси оятларидан мисол келтиради. Таржимада эса бу изоҳ «Al-qisṭās» матни сифатида қўшиб таржима қилиниб, хатога йўл қўйилган. Ва аксинча, асл матндаги айрим жумлалар таржима қилинмай қолиб кетган ўринлар ҳам учрайди. Бунга «Аруз доиралари» фаслидаги матн мисол бўла олади.

Бобнинг «Абу Ҳафс Насафий «Muxtaṣar al-ʿarūḍ» рисоласининг ўрганилиш тарихи» номли учинчи фаслида Абу Ҳафс Насафийнинг аруз илмига бағишланган асари ҳақида сўз боради.

Абу Ҳафс Насафийнинг «Maṭlaʿ al-nujūm» мажмуаси узоқ даврларгача ўрганилмагани боис унинг таркибига кирувчи аруз илмига оид «Muxtaṣar al-ʿarūḍ» рисоласи ҳақида на каталогларда, на илмий адабиётларда маълумот топа олдик. Арузшуносликка оид манбаларда ҳам бу рисола қайд этилмаган. Фақат Э.Талабовнинг диссертацияси кириш қисмида араб арузшунослигининг такомилига Насафий, Саккокий, Қиноий ва Ҳошимийларнинг ҳисса қўшганликлари ва уларнинг мерослари ўрганилмаганлиги қайд этилган³⁷. Бироқ тадқиқотда Насафийнинг арузга оид рисоласи ҳақида бирорта маълумот учратмадик. Чунончи, Г.Туйчиева ҳам «Форс арузи рисоалари» номли монографиясида араб арузига бағишлаб ёзилган асарларнинг муаллифлари қаторига Насафийни ҳам киритади³⁸. Ушбу тадқиқотда ҳам Насафий ва унинг «Muxtaṣar al-ʿarūḍ» рисоласи борасида маълумот берилмаган.

³⁶ Leopold, L. E. Arabic Quantitative Metrics in al-Zamakhshari's al-Qisṭās al-Mustaqīm. The Ohio State University: 2011.

³⁷ Талабов Э. Араб шеъриятида аруз тизими. Филол. фан. докт. дисс. – Тошкент, 2004. – Б. 12.

³⁸ Тўйчиева Г. Форс арузи рисоалари. – Тошкент: ТошДШИ, 2008. – Б. 21.

XII асрда яратилган «Muxtaşar al-‘arūd» рисоласи ҳақида орадан 9 аср ўтиб илк мақола нашр қилинди. Мақола «О рукописи сочинения Абу Хафса ан-Насафи по теории аруда» («Абу Хафс Насафийнинг аруз назариясига оид рисоласи қўлёзмаси ҳақида») деб номланиб, арузшунос олима М.Зиёвуддинова томонидан ёзилган³⁹.

Шу нуқтаи назардан, биз тадқиқотимизда «Muxtaşar al-‘arūd» рисоласининг тўлиқ илмий тавсифини бериш, асарнинг таркибий таҳлилини амалга оширган ҳолда илмий истифодага олиб киришни мақсад қилдик.

«Muxtaşar al-‘arūd» рисоласи арузнинг назарий асослари чуқур ва батафсил тарзда баён қилинганлиги билан аҳамиятга молик манба бўлиб, унда аруз илмининг асосчиси Халил ибн Аҳмад тамойилига таяниш анъанаси кўзга ташланади. «Muxtaşar al-‘arūd»ни ўрта асрда яратилган аруз илмига оид манбалар билан қиёслаш жараёнида унинг Соҳиб ибн ‘Аббоднинг «Iqna’ fi al-‘arūd va al-qavāfi»⁴⁰ асарига ўхшашлиги кузатилди. Тадқиқот натижасида Насафий рисолаи ёзишда нафақат Халил ибн Аҳмад назариясига, балки Соҳиб ибн ‘Аббоднинг арузга оид рисоласига ҳам таянганлиги маълум бўлди.

Диссертациянинг II боби «**Al-qistās» ва «Muxtaşar al-‘arūd» асарлари қўлёзмаларининг манбашунослик ва текстологик тадқиқи»** деб номланади. Биринчи фаслда «Al-qistās» қўлёзмаларининг текстологик тадқиқи ёритилган. «Al-qistās» асари устида олиб борган изланишларимиз унинг жаҳон фондлари бўйлаб тарқалган 19 та нусхасини аниқлашимизга имкон берди. Улар: Берлин (Ms.or.quart.118), Лейден (№654), Афина (№191:1), Принстон (№45b ва 104w), Ҳалаб (№146), Қирол Сауд (№1242), Қоҳира (№60, 2, 1584) қўлёзмалари, Сулаймония кутубхонасининг «Раис ал-кутуб» (990), «Рашид Афанди» (1117), «Лалели» (№1984), «Лала Исмоил» (№740), «Холат Афанди» (№213), «Аё София» (№4525) фонларидаги қўлёзмалар, Анқара Миллий кутубхонасининг «Тўқат» фондида (№25), Кўня минтақаси қўлёзмалар кутубхонасининг «Бурдур» фондида (№125) ҳамда Боязид давлат кутубхонасининг «Валиюддин Афанди» фондидаги (№2934) қўлёзмалар.

Тадқиқот мавзуси тасдиқланишидан олдин «Al-qistās»нинг ихтёримизда фақат Қирол Сауд университети кутубхонасининг қўлёзмалар фондидаги 1242 рақамли ҳамда Қоҳирадаги «Дар ал-кутуб» фондидаги 60 рақамли қўлёзмаларнинг фотонусхалари мавжуд бўлиб, тадқиқот давомида яна 10 та фотонусхасини қўлга киритишга муваффақ бўлдик. Улар: Тубинген (Ms.or.quart.118), Лейден (654), Ҳалаб (146) қўлёзма нусхалари ҳамда Сулаймония кутубхонаси фонларидаги (990, 1984, 740, 213, 4525) 5 та ва Анқара Миллий кутубхонаси фонларидаги (125 ва 25) 2 та қўлёзманинг сканерланган нусхаларидир⁴¹. Ушбу нусхалар тадқиқот манбаи сифатида ишга жалб қилинди ва уларнинг илмий тавсифи илк бор амалга оширилди.

³⁹ М. Зиёвуддинова. О рукописи сочинения Абу Хафса ан-Насафи по теории аруда. Модернизация и традиции. XXVI международная конференция. Источниковедение и историография стран Азии и Африки. Санкт – Петербург. 2011

⁴⁰ الاقناع في العروض للصاحب ابن عباد. تحقيق الشيخ محمد حسن آل ياسين. الكاظمية.

⁴¹ «Al-qistās»нинг Туркия кутубхоналарида сақланаётган қўлёзмаларнинг фотонусхасини қўлга киритишда яқиндан қўмаклашган DcS. P. Алимухаммедовга ва Туркия республикаси Карабук университети ўқитувчиси PhD. С. Болтабоевга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

«Al-qisṭās»нинг ихтиёримизда мавжуд бўлган 12 та қўлёзмаларининг қиёсий текстологик тадқиқи натижасида асарнинг энг қадимги нусхаси ҳижрий 673 (милодий 1252) йили кўчирилган «Лейден» қўлёзмаси эканлиги аниқланди. Қўлёзмада асар матни деярли тўлиқ берилган, камчилиги хотима қисми ва «Арузий доиралар» мавзусининг мавжуд эмаслигидир. «Al-qisṭās»нинг қадимий нусхаларидан яна бири ҳижрий 741 (мил.1346 йили) санада Рожи ибн Ҳожи ас-Савди томонидан кўчирилган «Бурдур» (№124) қўлёзмаси бўлиб, у куйидаги хусусиятлари билан асарнинг бошқа қўлёзмалардан ажралиб туради:

- қўлёзма ноёб нусха бўлиб, мўътабарлиги бўйича «Лейден» нусхасидан кейинги ўринда туради;
- унинг матни тўлиқ, узилишлар йўқ. Айниқса, аруз доиралари, байтлар тақтиби мавзулари бошқа нусхаларга нисбатан мукаммал берилган;
- матн хошиясида аҳамиятга эга бўлган аруз илмига доир *ta'liqāt*⁴²лар ёзилган;
- манба жуда саводли кўчирилган, унда маъновий ва имловий хатолар кам учрайди;
- қўлёзма яхши ҳолатда сақланган, унга бирор шикаст етмаган.

Шу нуқтаи назардан, «Al-qisṭās»нинг таркибий таҳлилини амалга ошириш, келгусида асарнинг илмий матнини тайёрлашда «Бурдур» қўлёзмаси асос, яъни таянч нусха сифатида танлаб олинди.

«Al-qisṭās»нинг «Тубинген» (Ms.or.quart.118) қўлёзмаси ҳам ўзига хос бўлиб, тадқиқот давомида асарнинг мавжуд қўлёзма нусхаларидан тубдан фарқ қилиши аниқланди. Унга кўра, «Тубинген» нусхасининг арузий доираларга оид қисми мовароуннаҳрлик Садрушшариа Бухорийнинг «*Xamsa abyāt bi 'adadi davāir al-'arūd*» асаридан олинганлиги далилланди. Шунингдек, «Тубинген» нусхасининг учинчи қисмидаги баҳрлар билан боғлиқ матн араб арузшуноси Абу Жайш Андалусийнинг «*Al-Risāla-Andalusīya*» асарига тегишли эканлиги маълум бўлди.

«Тубинген» нусхасининг котиби арузга оид мавзуларни мантиқан боғлаб кетган. Котиб «*Al-Risāla-Andalusīya*» асарини тулиқ кўчирмасдан, фақат ўн олти баҳрга оригинал берилган *солим*⁴³ вазндаги шеърий байтларни ўзини кўчирган. Биз мазкур тадқиқотда котибнинг нима мақсадда Замахшарийнинг «*Al-qisṭās*», Садрушшариа Бухорийнинг «*Xamsa abyāt bi 'adadi davāir al-'arūd*» ва Андалусийнинг «*Al-Risāla-Andalusīya*» асарларини битта асар сифатида кўчирганлигини асосли далилларга таянган ҳолда аниқлашга урундик. Натижада, мазкур «Тубинген» нусхаси аруз илмини ўрганувчиларга мўлжалланиб, қулай дастурамал вазифасини ўташ учун кўчирилган манба деган хулосага келинди.

II Бобнинг иккинчи фасли «*Muxtaṣar al-'arūd*» қўлёзмасининг текстологик тадқиқи» деб номланади. Унда Абу Ҳафс Насафийнинг арузга доир асарининг текстологик хусусиятлари ёритилган. Рисола олимнинг «*Maṭla' al-nujūm va*

⁴² Та'liqāt (تعليقات) - 1. изоҳлар, тулдиришлар; 2. бошқа манбаларга ҳаволалар, мавзу доирасига алоқодор манбалардан мисоллар. Бу ҳақда қаранг: Adam Gacek. The Arabic Manuscript Tradition: A Glossary of Technical Terms and Bibliography. Couverture. BRILL, 2001. P.101; 1989. مكتبة المعارف. بيروت. فخیر الدین قباوة. القسطاس فی علم العروض.

⁴³ Солим (سالم) - ҳеч қандай ўзгаришларга учрамаган шаклда қўлланилаётган руқн.

majma‘ al-‘ulūm» (Юлдузларнинг чиқиши ва илмларнинг тўпланиши жойи) мажмуаси таркибидан жой олган⁴⁴. Ушбу тўпламнинг ҳозирги кунга қадар икки қўлёзма нусхаси мавжуд бўлиб, бири Ҳиндистондаги Рампур кутубхонасида сақланади. Иккинчиси эса Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида мавжуд бўлиб, мазкур тадқиқотда айнан шу қўлёзмадан «Muxtaṣar al-‘arūḍ»ни тавсиф ва таркибий таҳлил қилишда фойдаланилди.

Тадқиқотда «Muxtaṣar al-‘arūḍ» матни хошиясидаги глоссларни уч турга бўлиб ўрганилди: *матнда тушиб қолган сўз ва жумлаларнинг хошияда ёзилиши* (304^a, 305^b, 308^b бетларда), *матнда баён қилинаётган маълумот ёки терминга хошияда бошқа манбалардан ҳавола берилиши* ҳамда *матн ичида учрайдиган истилоҳларнинг номлари хошияда қайд этилиши*.

«Muxtaṣar al-‘arūḍ» нусхаси ҳақида умумий қилиб шуни айтиш мумкинки, асарнинг матни тўлиқ, нусхада ноқисликлар кузатилмайди. Қўлёзмада тушиб қолган, нотўғри ёзилган сўз, жумлалар ва изоҳларнинг матн хошиясида берилиши нусханинг таҳрир қилинганлигидан далолат беради. Қолаверса, аруз доиралари чиройли ва батафсил тасвирланган. Шу нуқтаи назардан, ушбу нусхадан «Muxtaṣar al-‘arūḍ»нинг келгусида танқидий матнини тайёрлашда истифода этиш мақсадга мувофиқ.

Диссертациянинг учинчи боби «**Al-qistās**» ва «**Muxtaṣar al-‘arūḍ**» **рисолаларида аруз назариясининг ёритилиши**» деб номланган бўлиб, уч фаслдан ташкил топган. «Al-qistās» муқаддимасинг талқини» номли биринчи фаслда асар муқаддимасининг илмий ва адабий аҳамияти баён этилган.

Маҳмуд Замахшарийнинг «Al-qistās» муқаддимаси юксак фасоҳат билан, иншо санъатининг намунаси бўла оладиган даражада ёзилган, унда даврнинг адабий муҳитига оид муҳим маълумотлар акс этган. Муқаддимада шеършунослик илмини мукамал эгаллаш учун ўн икки синфга ажралувчи адаб илмлари (العلوم الأدبية)дан хабардор бўлиш муҳимлиги қайд этилган. Бу жиҳат аруз илмини адаб илмлари билан узвий боғлиқ эканлигини кўрсатади. Замахшарий таснифлаган илмлар қуйидагилар: 1) علم اللغة (луғат илми), 2) علم الأبنية (абнийя илми), 3) علم الاشتقاق (иштиқоқ илми), 4) علم الإعراب (эъроб (флексия) илми), 5) علم المعاني (маъоний илми), 6) علم البيان (баён илми), 7) علم العروض (аруз илми), 8) علم القوافي (қофия илми), 9) إنشاء النثر (наср яратиш илми), 10) قرض الشعر (тактиъ илми)⁴⁵, 11) علم الكتابة (китобат илми), 12) علم المحاضرات (нотиклик илми).

Муқаддимада Замахшарий устози Нажмиддин Дабий (507/1113)нинг Хоразм диёрида адаб илмларини тараққий этишида юксак хизмат кўрсатган олим сифатида эътироф этади. «Al-qistās» ушбу олим кўмагида ёзилганлиги, унинг таҳриридан ўтганлиги, мазкур рисола шу инсонга ҳадя этилганини баён қилади.

Иккинчи фаслда эса Замахшарий ва Насафийнинг аруз назариясига доир илмий ёндашувлари ҳақида сўз боради. Ўрта аср аруз илмига доир

⁴⁴ Абу Ҳафс Насафий. Maṭla‘ al-nujūm va majma‘ al-‘ulūm. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти №1462 инвентарь рақамли қўлёзмаси.

⁴⁵ Халаб, Тубинген нусхаларида ушбу сўзнинг тагига «القطع» (бўлиш) деб изоҳ берилган. Хошия қисмида эса бу илм орқали шеър қурилишини билиш мумкинлиги қайд этилган.

рисолаларнинг аксарияти арузнинг энг кичик бўлаклари бўлган сокин (ҳаракатсиз) ва мутаҳаррик (ҳаракатли) ҳарфлар таърифидан бошланади. Замахшарий ва Насафийнинг арузга доир асарлари эса аруз тизимидаги энг кичик ритмик бирликлар, яъни жузвлар⁴⁶ таснифидан бошланади.

Насафий шеър *сабаб*⁴⁷, *ватад*⁴⁸ ва *фосила*⁴⁹ каби жузвлар асосида таркиб топиши, уларнинг ҳар бири ўз навбатида иккига бўлинишини таъкидлаб, ҳар бирига мисоллар келтиради: *сабаби хафиф* – «عن», *сабаби сақил* – «بم»; *ватади мажмуъ* – «قضى», *ватади мафруқ* – «قال»; *фосилаи суғро* – «ذَهَبْتُ» *фосилаи кубро* – «ذَهَبْنَا». Насафий шеърда тўрттадан ортиқ кетма кет келувчи мутаҳаррик ҳарфли сўз бўлмаслиги ҳамда иккита сокин ҳарф кетма-кет келолмаслигини таъкидлайди; шеър тақтибида ёзув эмас, талаффуз рукнга монанд бўлак эътиборли экани тўғрисида мулоҳазаларини билдиради.

